~~468~~ 478

Маданият ишлари вазирлиги
Ўзбекистон Давлат Консерваторияси

# Курс иши.

Мавзу: "Шахлиё" дастони ижросидаги "алла" жанрининг тутган ўрни.

Бажарди: Сиддикова Н.
Текширди: Эргашева Ч.

2008й.

Ўзбек мусиқа маданияти қадимий бўлиб, айни пайтда янги замон анъаналарини ўзида мужассам этган ҳолда ривож топмоқда.
Бунда аввало халқ мусиқаси, мумтоз мусиқий мерос, миллий бастакорлик, ҳозирги замон бастакорлиги, шунингдек, халқ ҳаваскорлиги, ҳамда эстрада каби шакллан ва услубан жабҳалар намоён бўлади.
Бугунги ўзбек мусиқа санъатининг жаҳон саҳналарида эришаётган ютуқлари таҳсинга сазовордир.
Республикамизнинг Истиқлолга эришиши муносабати билан азалий қадриятларни тиклаш, бадиий-мусиқий меросимизни атрофлича ўрганиш вужудга келди.
Бу меҳнатнинг натижаси бугунга келиб Республикамиз ҳудудларида қўшиқ, терма, лапар-айтишув ва ялла туридаги жанрлар энг оммавий айтимлардан эканлиги маълум бўлди.
Яна шундай фольклор намуналари турли ижодий гуруҳлар, хусусан, фольклор-этнографик ансамбллар томонидан ижро этилиб келинмоқда.

Биз ижодият гуруҳимиз билан Сирдарё вилояти Мирзаобод туманига фольклор намуналарини ўрганиш, яқиндан танишиш учун экспедиция саёҳатига бордик.

Аввало, туман ҳақида маълумот берадиган бўлсак, Сирдарё вилоятидаги аҳоли ўтроқ, ярим ўтроқ, кўчманчи, ярим кўчманчиларга бўлинган.

XX-аср бошларида вилоят аҳолисининг 1/3 қисми ўтроқ ва 2/3 қисми кўчманчи бўлган.

Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи ушбу вилоят 1963 йил 16 февралда ташкил этилган.

Таркибида 9 туман (Баёвут, Гулистон, Меҳнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё, Ховос, Шароф Рашидов)

Сирдарё тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қадимий Сирдарё тарихи ҳақида маълумот берувчи муҳим ёзма манба қадимги юнон тарихчиси Арианнинг "Искандарнинг ҳарбий юришлари" асаридир. Бу асарда Сирдарё "Танаис", "Яксарт" номи билан юритилади.

Милоддан аввалги III-II асрларда Ўрта Осиёнинг шимолий туманларида 5 та майда давлатлардан иборат Қанғюй давлати юзага келадиган. Унинг таркибига ҳозирги Сирдарё ҳудудлари ҳам кирган.

1991-йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази томонидан "Алла" ижрочиларининг Республика кўрик танлови мунтазам ўтказила бошланди.

Республика кўрик танловида I ўрин совриндори бўлган Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини алла айтиш анъанасини давомчиси десак янглишмаймиз.

Ушбу коллеж қошидаги "Маҳлиё" дастаси 2003 йил ташкил этилган.

Бу даста асосан қизлардан иборат бўлиб, унга устоз Салима Мадисаева раҳбарлик қилади.

Гуруҳ қобилиятли, иқтидорли ўқувчилардан таркиб топган.

Ўқувчиларнинг деярли барчаси мусиқий билимга эга бўлмаган ҳавасқор ёшлардан иборат.

Даста раҳбари Салима Мадисаева ўқувчиларга фортепиано ва анъанавий хонандалик мутахассислиги бўйича дарс берадилар.

"Барҳаёт анъаналар" кўрик танлови ғолиби, шунингдек, "Қўшиқ байрами", "Санъат байрами", "Алла" кўрик танловларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Танловда қизлар "Алла" нинг 15 хилини ижро этишди.

Аллаларда достон, мусиқали драма арияларни, ҳамда эстрада қўшиқларидан фойдаланишган.

Фольклор қўшиқлар даста репертуаридан кўп ўрин олган.

Ўқитиш, таълим бериш услуби, жараёни ҳақида сўраганимизда улар: "асосан анъанавий оғзаки тарзда, ҳамда ноталар билан" - деган жавобни олдик.

Устозлари: Ўзбекистон халқ артисти Шоҳидахоним Маҳзунова, Асадбек Азимов, Омон Абдураззоқов ва б...

"Маҳлиё" дастаси ўз репертуарларида Отинисахон Қодирова, О. Холбекова, Хаёт Шодмон шеърларидан фойдаланишлар экан.

Алла ҳақида маълумот.

Алла - хотин қизларнинг ўз фарзандлари, сингил ё укаларини ухлатиш учун бешик ёки беланчакни тебратиб айтадиган қўшиқ ҳисобланади. Алла айтиш, одатда, хотин-қизларга хос.

Аллалар якканхонлик услубида, оддий куйлар билан, баъзида речитатив тарзда, бешик ёки беланчакни тебратиш усулига мос равишда ижро этилади. Матни асосан, тўртлик, ижро услуби эркин, бадиҳагўй.

Алла онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, орзу-умидлари, яхши ният ва тилакларини англатиши билан бирга руҳият кечинмаларини ҳам ифодалайди.
Шу боис баъзи алла намуналари тинч ухлатишга яқин бўлади;
Аллалар, шунингдек, бешик тўйи жараёнида бешикни олиб кираётган аёллар томонидан айтиладиган қўшиқ ҳам саналади.
Айрим тахминларга кўра, алла номи "Аллоҳ" сўзидан келиб чиққан бўлиб, Яратгандан чақалоқни ўз паноҳида асрашни илтижо қилишга нисбати билан боғлиқ.
"Маънӣ" дастаси томонидан ижро этилган аллалар.
Алла № 1.

Алла болам, болажоним
Расул барҳа худоёр
Сендан бўлак кимим бор
Сенсан ёруғ жаҳоним
Бу бевафо дунёдан сўрамасман, кулмасман
Оллоҳ берса болалга айтсам
зеркли аллалар
Алла болам, болажоним
Расул барҳа худоёр
Сенсан ёруғ жаҳоним
Сендан бўлак кимим бор
(Эстрада қўшиқидан олинган. О. Нурмамедова.)

# Алла №2.

Алла айтиб ухлатаман
алла болам, алла.
Сени қандай юпатаман
алла болам, алла
Кичкинасан, лоласан
алла болам, алла.
Қачон катта бўласан
алла болам, алла.




Ушбу алла фа-эолий пардасида, сокин, ўртача тезликда ижро этилган. Диапазони кичик, кварта-квинта оралиғида, терцияга ҳаракатлари бор. Алланинг иккинчи банди ладнинг IV босқичидан бошланади.

Алла №3.

Менга она бахтимни берган
болажоним, алла-ё-алла.
Бир дам ором олгин кўзим-ей
жоним болам, аллаё-алла.

Жондан чиққан жоним, фарзандим
Кунларимнинг эртаси алла
Худо берган улуғ неъматим
Ширин ўғил-қизимей алла
Алла болам жоним-о алла.

Секин



Бу алла до-эолий ладида ёзилган. Алла ладининг III босқичидан бошланган, кичик авжи ҳам мавжуд.

Алла №5.

Алпомишдан ёдгорим, кўзимдаги дилбандим
Тезроқ униб, улғайгин-(о), ухлаб ором олгин.
Алла болам, алла-ё, суянчиғим алла-ё
Алла болам, аллаё, кўрар кўзим алла-ё.

Ўртача тезликда.



Алла № 8.

Боғ ичида чаман гуллар
алла кўзим, алла.
Сайрайди шод булбуллар
алла кўзим, алла.
Сендан кулар гул иси
алла болам, алла
Ота-онанг бирласи
алла болам, алла
дан тумор бўйнингга
алла болам, алла.
Қўйдан қўчқор тўйингга
алла болам, алла.

Ўртача, эркин.

